

## **ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

Мадумаров Иброхим Эргашевич

Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти  
хавфсизлиги ўкув маркази ўқитувчиси.

### **Аннотация:**

Сўнгги йилларда фалокатлар, ёнғинлар, офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ижтимоий-иқтисодий вазиятга ортиб борувчи салбий таъсир кўрсатмокда. Ушбу маколада техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар тўғрисида батавсил маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** транспорт авариялари ва ҳалокатлари, темир йўл транспортидаги авариялар, автомобиль транспортининг ҳалокатлари, метрополитен бекатларидағи ва туннелларидағи ҳалокатлар, магистрал қувурлардаги авариялар, муҳофаза тадбирлари.

Фавқулодда вазият - маълум худудда юз берган фалокат, ҳалокот ва бошка турдаги офатлар натижасида кишиларнинг улимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган холатdir.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг сабаблари одатда, биринчидан замонавий ишлаб чиқаришнинг мураккаблашгани, яъни кичик майдонларда юқори миқдордаги энергетик қувватларнинг тўпланганлиги, иккинчидан, ишлаб чиқариш интизомининг пастлиги, техника, транспорт, асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида техноган тусдаги фавқулодда вазиятларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар инсонлар фаолияти билан боғлик булган фавқулодда вазиятлар тушунилади. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларлар юзага келиши хусусиятига қуйидаги турларга транспорт авариялари ва ҳалокатларига, кимёвий хавфли обьектлардаги аварияларга, ёнғин - портлаш хавфи мавжуд бўлган обьектлардага аварияларга, энергетика ва коммунал тизимлардага аварияларга, одамлар ўлими билан боғлик бўлган зудлик билан авария қутқарув ишлари ўтказилиши ҳамда зарар қўрганларга шошилинч тиббий ёрдам қўрсатилиши талаб қилинадиган муассаса ва бошка



ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнгинлар, газ портлаши ва бошқа ходисаларга, радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан заарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ аварияларга ва гидротехник ҳалокатлар ва авариялар бўлинади:

**Транспорт авариялари ва ҳалокатлари.**

Авиахалокатлар - бу экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлик парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига олиб келадиган ҳамда қидирув-кутқарув ишларини талаб қиласиган ҳодиса.

Темир йўл транспортидаги авариялар ва ҳалокатлар (ағдарилишлар) - бу ёнфинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг, ҳалокат худудидаги темир йўл платформаларида, вокзаллар биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамларнинг ўлимига, шунингдек ташилаётган кучли таъсир этувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туаш ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган ҳолат.

Автомобил транспортининг ҳалокатлари ва авариялари, жумладан йўл-транспорт ҳодисалари – портлашларга, ёнгинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг заарли хоссалари намоён бўлишига ва одамларнинг ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган ҳолат.

Метрополитен бекатларидағи ва туннелларидағи ҳалокатлар, авариялар, ёнгинлар – одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келган ҳолат.

Магистрал қувурлардаги авариялар – газ, нефть ва нефть маҳсулотларининг (авария ҳолатида) отилиб чиқишига, очик нефть ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган ҳолат.

**Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар.**

*Кимёвий хавфли инишоот* – иқтисодиёт обьекти бўлиб, фаолият кўрсатиш даврида содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокат туфайли одамларнинг оммавий тарзда заҳарланиши, кимёвий заҳарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши кузатилиши мумкин.

*Кимёвий заҳарланиши майдони* - маълум ўлчовдаги заҳарли моддалар билан зааралangan ҳудудлар.

*Заараланиши манбаи* - кимёвий хавфли инишоот жойлашган ҳудуддаги ҳалокат

туфайли одамларнинг, ўсимликларнинг, жониворларнинг заҳарланиши.

*Таъсирчанлик* - кимёвий модда хоссаси бўлиб, заҳарланишга олиб келиши мумкин бўлган модда миқдори билан белгиланади (кам заҳарланиш, қучли заҳарланиш ва бошқалар).

*Миқдори* - миқдор ўлчов бирлиги, г/м<sup>3</sup> ёки мг/л ларда ўлчанади.

Кимёвий хавфли иншоотлар фуқаро муҳофазаси нуқтаи назаридан маълум турларга ажратилади - миқдори, таъсир кучи, сақлаш қонун-қоидаси ва бошқалар.

Кимёвий хавфли корхоналардаги ҳалокатларнинг тавсифи:

I - портлаш туфайли содир бўлган ҳалокат, технологик жараён ишдан чиқсан, муҳандислик қурилмалари бузилган, натижада батамом ёки қисман маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолган. Катта миқдорда молиявий ёрдам зарарни қоплаш учун талаб этилади. Юқори ташкилотлардан ёрдам сўраш керак бўлади.

II - ҳалокат натижасида асосий ёки ёрдамчи технологик қурилмалар ишдан чиқсан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маълум миқдордаги ёрдам керак бўлади.

Кимёвий аварияларнинг сабаблари:

технологик жиҳозлардаги носозликлар;

ускуна-жиҳозларнинг эскириши;

моддаларни ишлаб чиқаришда, сақлашда, ташишда йўл қўйилган хатоликлар; ҳалокатлар, портлаш, ёнғин содир бўлиши;

моддалар билан ишлашда, уларни сақлашда техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

четдан олиб келинган технологик жараённинг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги;

мехнат интизоми пастлиги, мутахассис ва ишчиларнинг малакаси етарли эмаслиги;

маҳсулот ишлаб чиқаришда мураккаб технологик жараён тизими қўлланилиши.

Радиациявий хавфли обьектлардаги ва энергетика ва коммунал тармоқларидағи авариялар.

Радиоактив хавфли обьектларга атом электростанциялари, ядервий тадқиқот реакторлари, радиоактив элементларни ишлаб чиқариш корхоналари,

радиоактив элементларни ишлатувчи тиббиёт, кон-қазиши ва бошқа корхона ва ташкилотлар киради.

Радиоактив хавфли объектлардаги авариялар қурилмаларни нотўғри эксплуатация қилиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, иш жараёнидаги эҳтиётсизликлар оқибатида юз бериши мумкин.

Гидротехника иншоотларидаги авария ва ҳалокатлар.

*Гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларга олиб келувчи асосий сабаблар ва уларнинг салбий оқибатлари.* Гидротехника иншоотларига тўғонлар, сув чиқариш иншоотлари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш, насос станциялари, тоннеллар, гидроэлектр станциялари бинолари, каналлар, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиганжойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар) киради.

*Гидродинамик авария* - бу гидротехника иншооти ёки унинг бир қисми издан чиқиши (бузилиши) ва катта худудларнинг бошқариб бўлмайдиган сув массаси остида қолиши билан боғлиқ фавқулодда ҳодисадир.

Гидротехника иншоотларининг бузилиши табиат кучларининг ҳаракати (зилзила, довул, тўғонларнинг ювиб кетилиши) ёки инсон таъсири (ядровий ёки оддий курол билан гидротехника иншоотлари, йирик табиий тўғонларга зарба бериш), шунингдек, лойиҳалашдаги хатолар ёки қурилишдаги нуқсонлар туфайли юзага келади.

*Гидротехника иншоотларининг турлари:*

сув–энергетика иншоотлари;  
сув таъминоти иншоотлари;  
сугориш иншоотлари;  
оқова сув чиқариш иншоотлари;

сув–транспорт иншоотлари;  
балиқ хўжалик иншоотлари;  
спорт ва безак иншоотлари ва х.к;

*Гидродинамик аварияларнинг оқибатлари:*

гидроузелларнинг шикастланиши ва бузилиши ҳамда қисқа ёки узоқ вақт давомида ўз функцияларини бажара олмай қолиши;

гидротехника иншоотлари бузилиши натижасида юзага келадиган, баландлиги 2 метрдан 12 метргача бўлган ва тезлиги 3-25 км/с (тоғли худудларда 100 км/с гача) бўлган ёриш тўлқинининг одамларга талафот етказиши ва биноларни вайрон қилиши;

катта худудларнинг 0,5-10 м ва ундан кўпроқ баландликдаги сув остида қолиши.

Бундай фавқулодда вазиятлар тўғрисида тўлик тасаввурга эга бўлишга, имкон даражада олдини олишга, аянчли оқибатларни келтирадиган заарини иложи борича камайтиришга ва фуқароларимизни самарали муҳофазалаш чоратадбирларини топишга эришишимиз керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.1998 й.даги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9.09.2019 й.даги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида ”ги 754-сонли Қарори.
3. “Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш”. ФМИ, 2000й.